

*Мэтихөөн Шөгөөнчлөлийн*



**HUDUDGAZTA'MNOTI**  
AKSIYADORLIK JAMIYATI

ID 50438

III - 15

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕЬМОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ**

**№** III - 15

*(Мэтихөөн 2022 и.)*

Табиий газниг улгуржи истемолчиларга етказиб берши на кабул килип  
**ШАРТНОМАСИ**

2022 ийл 25-девар 15-сон Иштимои г.  
(шартнома туялган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Министри пошт  
Педагогика институту

(Истемолчи иоми)

(кейинги ўринларда "Истемолчи" деб аталади), раҳбари \_\_\_\_\_ бир  
томондан хамда Низом вв 20 йил " " да берилган \_\_\_\_-сонли  
ишолчнома асосида фаолият юритувчи "Худурун Сиёҳоркинч" ГПУФ"  
(газ таъминоти ташкилоти иоми) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб  
аталади), раҳбари Д. Чораков кийинчи томондан, куйидагилар  
тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

#### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари оркали Истемолчининг  
келишилган буюрманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб  
аталади) етказиб берши мажбуриятини олади, Истемолчи эса ўз зиммасига ушбу  
шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни кабул қилиш мажбуриятини  
олади хамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига  
мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга  
газ курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги  
ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истемолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан  
фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга  
(ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни  
такдим этади.

Истемолчи жорий йилининг 15 июль кунига кадар келгуси йилда истемол  
килиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истемолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган  
газ ҳажми техник шартларла белгиланган босим ва ҳажмда 20 Декабрда  
121100 куб.м, нархи 1999200 минг сүмни ташкил қиласди, жумладан  
чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чорак 121100 мингкуб.м, январь 4545, февраль 4545, март 3030.

II чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, апрель \_\_\_\_\_, май \_\_\_\_\_, июнь \_\_\_\_\_.

III чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, июль \_\_\_\_\_, август \_\_\_\_\_, сентябрь \_\_\_\_\_.

IV чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, октябрь \_\_\_\_\_, ноябрь \_\_\_\_\_, декабрь \_\_\_\_\_.

Етказиб берувчи томонидан хизматларин түлүк хажмда күрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармокларнинг ишилаши издан чиккан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2008 йил 24 десабрдаги 277-сон қарорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий ахамиятга эга Истеммолчиларга 20\_ йилда зарур бўлган табиий газният минимал хажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қўйидагини ташкил килади:

I чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, январь \_\_\_\_\_, февраль \_\_\_\_\_, март \_\_\_\_\_.  
II чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, апрель \_\_\_\_\_, май \_\_\_\_\_, июнь \_\_\_\_\_.  
III чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, июль \_\_\_\_\_, август \_\_\_\_\_, сентябрь \_\_\_\_\_.  
IV чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, октябрь \_\_\_\_\_, ноябрь \_\_\_\_\_, декабрь \_\_\_\_\_.

1.5. Агар, Истеммолчи ойлар бўйича булинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ хажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеммолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган хажмлар доирасида кайта кўриш чиқиши мумкин. Истеммолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун күрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига ҳабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб хисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни стисабиз берилади.

2.2. Истеммолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеммолчининг суткалик месъери доирасида газ қабул қилиб олади, шуннингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеммолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгаргандиги тўгрисида барча усувлар оркали Истеммолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчинынг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

*Истеммолчи манзили*

Истеммолчи манзили ва телефон раками:

*66*

2.4. Етказиб берувчи Истеммолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига кадар камида 24 соат аввал бу дақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеммолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дархол қисқартирилади ёки тұхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шуннингдек, куз-қиши мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва ақоли истеммолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеммолчини огохлағтирган ҳолда газ етказиб бериши чеклаш ёки

тұхтатиб қүйиш хуқукига зға, Истемолчи эса захира ёкілгі туридан фойдаланишга үтади.

2.6. Истемолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қылыш доирасыда тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истемолчи захира ёкілгі туридан фойдаланишини күзда тутиши ва уни етарли микдорда (З ойдан кам булмаган муддатта) шакллантириши шарт. Истемолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувоғиқ захира ёкілгіга үтиши ва газдан фойдаланишини тұхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тұхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштырилади.

2.8. Истемолчи ўзига тегишли бұлған газ тармоқлари ва уларда үрнатылған ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларга хизмет күрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истемолчининг құшимча газдан фойдаланиш ускуналари үрнатилиши, реконструкция қилемини ёки тәъмирларни оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келген ҳолларда, Истемолчи Етказиб берувчидан құшимча газдан фойдаланиш ускуналарини үрнатыш ёки реконструкция қилишгә техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувоғиқ амалға оширилади.

2.10. Истемолчи ёки Етказиб берувчининг тұлов реквизитлари ўзгарған ҳолатларда улар зудлық билан бир-бириниң бу хакида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, кайта ишлаш, узатиши, тақсимлаш ва истемол килиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабарини бажариш Истемолчилар учун мажбурий қисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҚИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йүл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилгандык газ микдори газ тармоқлари бўлинини чегарасыда үрнатылған хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар иккى томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштырилади.

Газ тармоғи бўлинини чегараси (Истемолчк балансида бўлған газ тармоғининг бошланиши хисобланаб) Етказиб берувчи ва Истемолчи үртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлинини нуткаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари үрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда  $1 \text{ м}^3$  газ олинади: ҳарорат  $20^\circ \text{C}$ , босим  $101,325 \text{ кPa}$  ( $760 \text{ mmHg}$ ) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асоссан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилиди.

Газ микдори “Ўстандарт” агентлигининг мөърий-хуқукий ҳужжатлари талабларига мувоғиқ газ микдорини стандарт шароитта автоматик равишда келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

**3.4. Етказиб берувчининг ёки Истемолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.**

**3.5. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишили қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келиншилади. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истемолини хисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ПТХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.**

**3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.**

**3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DS1 8.030:2008 "Бюлгি ва энергия. Хисобга қўйиладиган умумий талаблар", О'з DS1 8.031:2008 "Еқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.**

**3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.**

**3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга булиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.**

**Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масульдир.**

**3.10. Режалаштирилган ишларинг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.**

**Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.**

**3.11. Режалаштирилган ишларинг бир қисми сифатида (киёслош кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.**

**Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.**

**Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чақиради.**

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газни ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киригилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишин таъминлайди. Етказиб берувчи Истемолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиласидан кисмларига Истемолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истемолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий кисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истемолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувоффиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабии ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиб ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинганд газ учун ҳисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истемоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истемол килиш (ноконуний байпас линиялари улангандা) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси Ўзгартирилганда – охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилигдан – ҳисобга олиш прибори ечилигдан кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вактга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригиданметрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилигдан кунгача бўлган вактга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ тъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ тъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ тъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки тъасир кўрсатган ҳояда табий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда-ташки тъасир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бирор дарво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатта;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўкотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган холларда истеъмол қилинган табий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиши далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ тъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти буйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) – бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг мъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига тъасир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳукуқига зга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади

**3.20.** Агар хисобга олиш прибори ишдан чиқсанда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истемолчи 24 соат ичиди Етказиб берувчига бу ҳакда хабар бериси шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатидиган асбоб-ускуналарни ишлаши графикини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамталанишини таъминлаши шарт.

**3.21.** Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиши ҳолати аниқланган тақдирда кайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аниқланган кунтача, лекин дъъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (*O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда булиши керак*).

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

**4.1.** Истемолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

**4.2.** Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигигомонидан амалдаги қояунчиликка мувоғик белгилалади.

**4.3.** Истемолчи хисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб ракамига уйбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларida кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлади.

Хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истемолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табии газ учун 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида хисоб-китоб қилиш тўгрисида Етказиб берувчига билдиригина тартибида мурожаат килишга каклидир. Бундай ҳолатларда истемолчилар хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг хисоб ракамига табии газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табии газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳак тўлашлари шарт. Амалда истемол қилинган табии газ ҳажми учун якуний хисоб-китоб хисобот ойнининг охиригача амалга оширилади.

**4.4.** Истемолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

**4.5.** Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истемолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истемолчилар бундан мустасно).

**4.6.** Истемолчи ҳар ойнинг 10 санасига кадар аввалги ойда истемол қилинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

**4.7.** Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истемолчилар хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширадилар.

**4.8.** Табии газдан фойдаланишида Истемолчининг айби билан табии газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишида хисобга олинади.

**4.9.** Истемолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгилантанидан күп хажыла ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истемолчидан шартномадаги хажмлардан ортиқча олинган табиий газ киймагига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган түлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаптириш, таъмирлаз, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истемолчига алоқадор бўлмаган турли ҳил (Электр таъминоти носозлиги, чаёмок, киска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниклантанлиги сабабли истемол килинган табиий газ хажмини ўргатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича хисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги хажмлардан ортиқ хажмларни ташкия қылган ҳолатлар бундан мустасно.

**4.10.** Табиий газ учун Истемолчининг қарзин мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтилизилган маблағлари Истемолчини хабардор кылган ҳолда қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

**4.11.** Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вактида тўланмаганда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% фоизидан ошмайдиган микдорда пешн тўлайди.

**4.12.** Хисоб-китоб ойнда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истемолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТТҲНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истемол килишини хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича хисоб-китоб киладиган истемолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган курсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табиий газ истемолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолдакиритиш орқали аниклантанади.

**4.13.** Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойн учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истемолчига электрон хисобварак фактура юборилади.

**4.14.** Етказиб берувчи Истемолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг хакконийигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истемолчида кўйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кучирма) аржив маънумотлари;

б) Истемолчига тақдим этиладиган, Истемолчининг бўлинини чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўгрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истемолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТКлардаги технологик йўқотишлар Истемолчи хисобига олиб борилади.

**4.15.** Истемолчи ойининг 7 кунидан кечиқтирасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойн учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул килиб олади, имзолайди ва бир иускасини Етказиб берувчига жўнатади.

Расмийлаштирилган газ стказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон хисобварап-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истемолчими кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилгани ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида мъттахид қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истемолчидан дебитор карзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истемол қилинган газ ҳажми ва унинг киймати газ узиб кўйилгани кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичida тўлик кувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгаргантакдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қилади, истемол қилинган газ учун тўлов эса ялги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истемолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпли билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

## V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истемолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл қўйилишин, Етказиб берувчи ва Истемолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштириллади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истемолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истемолчикини конуичиларда белгилашган жавобгарликдан озод қилмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истемолчидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ гармоқларидан узib қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмагаида;

- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олини курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмагашилиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюргталарга етарли микдорда олдиндан тўловвлар амалга оширилмагандা;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмагандা;
- хисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгаришиш максадида уларнинг ишлашига тўқсиялик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш пряборларига ташқи таъсири кўрсатишга харакат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**6.2. Тармоқса қайта уланища амаддаги қонунчиликка мувофик Истемолчидан базавий ҳисоблаш микдоригинг ўзи баравари микдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар буидан мустасно.**

**6.3. Газ истемолини ҳисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланишган истемолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.**

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

### **7.1. Етказиб берувчи куйнадигиларга маҷбур:**

- ўзига карашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклиш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш қискарсан ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истемолчиларни хабардор килиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив мъалумотларни, электрон мъалумотларининг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилагунига кадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истемол килинганилиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож килинганилиги тутрисида ҳуқукин мухофаза килиш организарни хабардор килиш;
- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутылган тартибда монополицга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага үзгартришилар киритиш;
  - Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий курсатмаларини бажариш;
  - техник хизмат күрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтниндаң ўтказиш ва уларга профилактика хизмат күрсатиш:
  - табиий газ сизиб чикишида — даржол;
  - овкат тайёрлаш учун мұлжалланған газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигіда — бир кун давомида;
  - иситиш мавсумида иситиш учун мұлжалланған газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигіда — бир кун давомида;
  - иссик сув ва иситиш учун мұлжалланған газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигіда (иситиш мавсумидан ташкари вактда) — икки кун давомида;
  - Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидә алмаштириш;
- Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 7.2. Етказиб берувчи кўйидаги ҳуқукларга эга:
- техник заруратта кўра, Истеъмолчини белгиланған тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қискартириш ёки тўхтатиш;
  - газ таъминоти тармокларига ружсатсиз уланиш холатлари аниқланганда уларни белгиланған тартибда газ тармоғидан узиб кўйиц;
  - Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш кондадари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;
  - табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиши;
  - газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикистириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирумасдан ҳамда зудлик билан хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;
  - ушбу шартномада назарда тутылган холатларда, аниқланган кондабузарликлар бартараф этилгунинг қадар аввалдан огохлантирумаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.
  - табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш.
- 7.3. Истеъмолчи кўйидагиларга мажбур:
- хисобот ойинда табиий газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини ва хисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиши.
  - газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
  - газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникижихатдан соз холатда сақлаш;

- газ тармокларнда ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келгап табиий газ сизиб чиқиши ҳолаты ҳаисада газ тәммиоти ташкилоти диспетчерлик хизматтарини зудлық билан хабардор қылыш;
- үзининг газ тармоклари дахлисизлигини тәммилаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниклаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
- газ тәммиоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛГХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўя қўймаслик;
- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазиспекция" ходимларининг (тегиши гувоҳиома курсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол килишни хисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вактида эркин кўздан кечиришини тәммилаш;
- газдан фойдаланиши ускунасидағи носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукуқига эга бўлган иктинослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартрафт этиш;
- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари курсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсцилик килувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишита йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунилигини тәммилаш;
- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ тәммиоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлнишини чегарасида табиий газ сарфи буйича мальумотларни масофадан олиш имкониятни берувчи газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган (ПГҲНАТ-АСКУГ) тизимига уланган хисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

#### 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўйидагиларни талаф қилиш хукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳожмига ва бошқа параметрларга норози ўйланган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини хисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;
- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаласилмаған газ ҳаломи учун тўланган суммани кайтариш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаф қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. баандлари бундан мустасно);
- газ етказиб беришни вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларнда белгиланган бошқа хукуқларга эга булиши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганилиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганилик ёки тўлиқ стказиб бермаганилик учун кўйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) конун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилганҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, кўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари карорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармогидан узиб кўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташки);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш хукуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш хукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларниң бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирок етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истемолчи муддати ўтгаи ҳар бир кун учун муддати ўтгантўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафларн бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истемолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйндаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истемолчи мафаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қондаларига катъий риоя килади.

## X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қондага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини курдилаар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишилсудга мурожаат килишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришишга йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

### 11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек янги бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, ҳусусан, сел, ёмғир, сув тошюни, ёнғин чиқиши, ер кимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Хукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришини тұхтатиш, кискартириш ёки муносабтларни тұхтатиш хукуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланниб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор қабул киладилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартериш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилни хамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон карорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан биро шартномани бекор қилиш тўғрисида талаబ билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан биро шартномани бекор қилиш тўғрисидаталаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблаг олувиchlар хар йилти "2022" йил 31 декабр санасига" амал қилишлари лозим.


12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилилади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни ултурки истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар биро учун икки нусхада тузилган, иккала нусхасиҳам бир хил юридик кучта эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

|  |  |
|--|--|
| <b>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»</b><br><b>«HUDUDGAZ SAMARQAND» газ таъминоти филиали</b>  | <b>«ИСТЕМОЛЧИ»</b><br><u>Чирчик шаҳаридаги</u><br><u>халқаро биноми</u>  |
| <b>Манзил:</b> Самарқанд шаҳар,<br>Буюк Ипак йўли кўч., 15 уй<br><br><b>Тел/факс:</b> (66) 239-78-11; <b>Faks:</b> (66) 239-78-12  | <small>(бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи)</small><br><b>Почта номиги:</b> <u>Чирчик шаҳаридаги</u><br><u>халқаро биноми</u><br><b>ОКПО коди:</b> <u>92120</u><br><b>ОКЭД:</b> <u>629-17-64</u><br><b>Мулоқот телефони:</b> <u>329-11-64</u> |
| <b>Баёнд номи:</b> <u>Узсаноат ҳунариш банк</u><br><b>МФО:</b> <u>00435</u>  | <b>Инн:</b> <u>306605769</u><br><b>ОКЭД:</b> <u>35230</u><br><b>Х/Р</b><br><u>22634000005113960384</u>   |
| <b>Рахбар:</b> <u>А. Мухаммадов</u><br><small>(ФИ.И.Ш.)</small><br><br><b>Имесон:</b> <u>Маркази</u><br><b>Муръози:</b> <u>Маркази</u> | <b>Баёнд номи:</b> <u>Тоҷикистон</u><br><u>Маркази банк</u><br><b>МФО:</b> <u>80014</u><br><b>Инн:</b> <u>300243621</u><br><b>Из/х:</b><br><u>6000103601821270</u><br><u>92600851001</u>   |
|    | <b>Рахбар:</b> <u>Д. Узоков</u><br><small>(ФИ.И.Ш.)</small><br>   |
| <b>Юридик мислаҳитчи хуносаси:</b> <u>Д. Узоков</u>  |  |

(Ф.И.Ш.)

(имзо, муръоз)

сана)

2022 йил 25 наф - йазги

2021 йил «25 » жулай дагы  
25-сон шартномага  
ИЛОВА

## **Фойдаланишга қабул қылышған газда фойдаланиш усқуналари РҮЙХАТИ**

## Фаолият турн: Кадастър №

14:03:40:05:01:0861

Табиный газ тарифы 1 м<sup>3</sup> 660 сум тийин



## Келишилган MINOT

Paxban

(ΦΛΙΠ)

Издательство

Марк Шон

Ижоры

(ФИШ)



## Истерьмолчи

Day 50

ФИШ